



2020 у. «10» Март

№ 2020/11

Йиғилишга раислик қилди:

Т.Ишметов

Қатнашдилар:

Кенгаш Раиси ўринбосари

Ш. Вафаев

Кенгаш аъзолари:

У.Мухтаров  
О.Юсупов  
Т.Набиев  
Р.Хамидов  
Р.Калонхужаев  
М.Якубов

Корпоратив маслаҳатчи

К.Алимов

Таклиф этилдилар:

Бошқарув раиси

А.Воитов

Йиғилишда 8 та Банк Кенгаши аъзоларидан 8 таси қатнашди ва кворум таъминланди.

**Банк Кенгаши йиғилишининг кун тартиби:**

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув Раиси – А.Воитовнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида
2. С.Аннакличевни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув Раиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 мартағи “А.Б.Воитовни Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташки савдо вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги ПҚ-4637-сонли қарорини инобатга олган ҳолда, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув Раиси Азиз Ботирович Воитов бошқа ишга ўтиши муносабати билан

Банк Бошқаруви аъзоси таркибидаги ваколатини муддатидан илгари тугатиш лозимлиги таъкидланди.

**2.** Банк Кенгаши Раиси Т.Ишметов банкда Халкаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда трансформация жараёни олиб борилаётганлиги ҳамда бу жараённи бошқариш учун Бошқарув Раиси лавозимига салоҳиятли, малакали, етарли бошқарув маҳоратига эга, ҳозирда Узбекистон Республикаси Миллий банки Бошқарув Раиси биринчи ўринbosари лавозимида самарали фаолият юритаётган Аннакличев Сахи Сапармуҳамедович номзодини кўриб чиқиши таклиф қилиб, у хақида қуийдаги маълумотларни билдириди.

С.Аннакличев 1975 йил 29 августда Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткул туманида туғилган, 1996 йилда Туркманистон ҳалқ хўжалиги институтини, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академиясини, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 2008 йилда Япониянинг Кобе Университетини тамомлаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида турли раҳбарлик лавозимларида, Ҳалқ банкида Бошқарув Раиси ўринbosари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши мониторингини мувофиқлаштириш, хорижий инвестициларни жалб этиш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринbosари лавозимларида ишлаб, ҳозирги кунда Миллий банк Бошқарув Раиси биринчи ўринbosари лавозимида самарали фаолият юритаётганлигини маълум қилди.

Юкоридагиларни инобатга олган холда, Сахи Сапармуҳамедович Аннакличевни "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарув Раиси лавозимига тайинлаш масаласи кўриб чиқиши таклиф этилди.

Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Кенгаши тўғрисида"ги 01/2019-сонли Низомнинг 4-бандига кўра Банк Бошқаруви (ижроия органи)ни тузиш, Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш Банк Кенгашининг ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда, **Кенгаш**

## **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарув Раиси Азиз Ботирович Воитов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Банк Бошқаруви Раиси лавозими ва Банк Бошқаруви аъзоси таркибидаги ваколати 2020 йил 10 мартдан муддатидан олдин тугатилсин.

**2.** Сахи Сапармуҳамедович Аннакличев "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви Раиси лавозимига ва Банк Бошқаруви аъзоси таркибига тайинланисин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 8 овоз

“ёқлайман” – 8 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**3.** Банк Бошқарувига амалдаги меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

**Кенгаш Раиси:**

**Т.Ишметов**

